Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 9 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 76 (6773)

Даъват

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Хоразм вилоятида «Энг яхши мактаб», «Энг яхши фан кабинети» ва «Энг яхши иқтисод кабинети» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 13 та мактаб, 14 та фан кабинети ва 11 та иқтисод кабинети энг яхши деб топилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси томонидан голибларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 136 минг сум ажратилди.

ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ — БИЗНИНГ ТИНЧЛИГИМИЗ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 октябрь куни Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Алматида бўлиб ўтган учрашувида қатнашди.

Афғонистонда «Толибон» ислом ҳаракати пойтахт Кобулни эгаллаши, мамлакатдаги қарама-қаршилик кайфияти ва қуролли тўқнашувларнинг кескинлашуви афғон халқи бошига турли кулфатлар солган можарони тинч йўл билан ҳал этиш эҳтимолини бутунлай хавф остида қолдирди. «Толибон» ҳаракати аъзоларининг кўплаб хунрезликлар содир этиши, ўта муросасиз ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, аввало, Афғонистонга қўшни минтақадаги давлатларни жиддий ташвишга солмай иложи йўқ эди.

Қолаверса, Афғонистондаги бу воқеалар қўшни Тожикистондаги вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Шу боис, мамлакатимиз Миллий Хавфсизлик Кенгаши мажлисида таъкидланганидек, «Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмайди.» Шунингдек, «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини эгалласа, жаҳон матбуоти катта ташвиш билан таъкидлаётганидек, бу Тожикистон ва Ўзбекистонга ўзининг жуда салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни чеклаш тўғрисидаги ташаббуси ёдга тушади. Мамлакатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, бир неча бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур масалага қаратган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мажлисларидан бирида ҳам ушбу ташаббуснинг муҳокама этилиши бежиз эмасди. Албатта, бу йўл билан муаммо бирданига ҳал бўлиб қолмайди, лекин, оловни ўчириш учун аввало унга ёғ қуйишни тўхтатиш лозимлиги барчага аён.

Доно халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Алматидаги олий даражадаги учрашув ва унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашиши-

(Давоми 2-бетда).

МУНОСИБ ЭҲТИРОМ



Муаллимни «ҳаёт боғининг боғбони» дейишади. Бу асло баландпарвоз гап эмас. Дарҳақиқат, боғбон каби меҳнаткаш, самимий ва эзгу ниятли муаллимларимиз учун ўзлари тарбият этган ниҳоллар самарасини кўришдан, шу одамларга, шу халққа нафи тегадиган инсонларни тарбиялашдан ҳам кўра, ортиқроқ бахт йўқ. Чин ўқитувчиликнинг, чин устозликнинг муроди ҳамиша шулдир. Ва шу боис ҳам инсонлар борки, ўз устозлари олдида ҳамиша таъзимдадирлар.

Мамлакатимиз мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бораётган бугунги кунимизда ҳам устоз муаллимларимизнинг юксак эъзоз топаётганликлари бежиз эмас. Чунки, юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, «тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан, маданий ва маънавий меросимиздан ёш авлодни огоҳ этиш, уларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, ўзликни англаш, шунингдек, дунё тараққиётидан баҳра олиб, давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган ворислар етиштириш борасида» муҳтарам устозларимизнинг, ўқитувчиларимизнинг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда.

Бу йилги анъанавий байрам муносабати билан республика Президенти Фармонига асосан халқ таълими ходимларидан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланганликлари ҳам устозларимизга бўлаётган эҳтиром белгисидир. Келгуси йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилиниши ҳамда умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни ҳисобланиши эса республикамиз раҳбариятининг маориф ходимларига бўлган энг юксак эътибори ва мустаҳкам ишончидир.

Дарвоқе, бу йилги байрам жуда кўтаринки руҳда ўтди. Республика Халқ таълими вазирлиги байрам муносабати билан тўрт кунлик тадбирлар маросимини ўтказди. Унга кўра, пойтахтимизга бугунги маорифимизнинг ҳақиқий фидойилари, янгилик яратган ўқитувчилар, нишондор мураббийлар ташриф буюришди. Меҳмонлар пойтахтимизнинг

(Давоми 3-бетда).

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Биз, Алмати учрашуви иштирокчилари, Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашиб, Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар миқёси кенгайиб бораётгани ва бу ҳаракатларнинг тобора кучайиб, тинч аҳоли ўртасида оммавий қурбонларга сабаб бўлаётганидан, қочоқлар ва мажбурий кўчманчиларнинг янги-янги оқимларини пайдо қилаётганидан жиддий ташвишланаётганимизни билдирамиз. Қатл этишлар ва отиб ташлашлар, собиқ Президент Нажибуллонинг ваҳшийларча ўлдирилиши тангликни кучайтириб, Афғонистондаги вазиятни умуммиллий ҳалокат ёқасига олиб келмоқда, афғон давлатчилигининг барбод бўлиши хавфини туғдирмоқда.

Уруш алангаси МДҲга аъзо мамлакатлар чегарасига яқинлашиб келмоқда. Бу ҳол мазкур давлатлар ҳамда бутун ҳамдўстликнинг миллий манфаатларига бевосита хавф туғдириб, минтақавий ва халқаро вазиятни беқарорликка олиб келади.

Биз Афғонистон чегарасидаги МДҲ давлатлари билан барқарорликка путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни маъқулламаслигимизни баён қиламиз. Бундай хатти-ҳаракатлар ким томонидан содир қилинган бўлмасин, бу давлатларнинг умумий манфаатларига хавф сифатида баҳоланади ва 1992 йил 15 май куни Тошкентда имзоланган коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартноманинг 4-моддасига биноан, уларга худди шундай жавоб қайтарилади. Учрашув иштирокчилари ҳамдўстликнинг коллектив хавфсизлик кенгашига мурожаат қилади ва МДҲнинг жанубий чегаларида вужудга келаётган вазиятни тезлик билан кўриб чиқиб, ҳамдўстликнинг ташқи чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга даъват этади.

Биз Афғонистондаги урушаётган томонларни, энг аввало толибларни уруш ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиб, умуммиллий тотувликка эришиш йўлларини қидиришни бошлашга даъват этамиз. Афғонистонда узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган урушни тўхтатиш пайти етди. Бу ишда суверен Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш асосий шарт бўлиши лозим.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда Афғонистондаги зиддиятни сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама бошқариш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тинч аҳоли ва қочқинларга мурувват ёрдами берилиши юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгилаш учун манфаатдор мамлакатлар иштирокида зудлик билан махсус мажлис ўтказишини таклиф этамиз.

Алмати,
1996 йил 4 октябрь.

Банк синфидаги бир соатлик дарс

ИЛК САБОҚЛАР ҚУВОНЧИ

Ўқитувчи Дилнозахон Жўраева ўқувчиларининг саволларга тўғри ва лўнда жавоб бераётганларидан ҳамда уларнинг барчаси дарсда фаол иштирок этаётганларидан жўшиб, илм толибларининг билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида қўшимча саволлар берди:

— Ким айтади, тадбиркорлик деганда нимани тушунамиз?

— Биронта кичик корхона очиб, четдан келтирилган маҳсулотлардан ўзига ҳам, давлатга ҳам фойда келтирса ҳамда ишлаб чиқарган моллари-ни қўшиб сотса, тадбиркорлик дейилади, — деди Алишер.

— Нима учун иқтисодни давлат бошқаради? Сен айт-чи, Нилуфар.

— Чунки бозорларни давлат бошқариб, назорат қилиб турсагина маҳсулотларнинг нарх-навоси меъёрида булади.

— Жуда яхши. Бозор иқтисоди нимани билдиради?

— Бозор иқтисоди товар ва пулга асосланган. Юридик ва жисмоний шахс орасидаги юридик муносабатдир, — дея жавоб берди Барно.

Ўқувчилар жавобидан ўқитувчи кўзларида қувонч балқди...

Мазкур сабоқ пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактабнинг оддий синфларида эмас, балки банк синфларидаги дарс жараёнидан бир лавҳа, холос. Банк синфларига тажрибали педагог Дилнозахон Жўраева иқтисодий билим асосларидан сабоқ беради. У бу сафарги дарс якунида мустақил давлатимизнинг ўтиш давридаги қийинчилиги вақтинчалик, порлоқ келажак олдинда эканлигини аниқ мисоллар асосида болаларга тушунтирди.

— Мактабимиздаги банк синфлари Алоқа банки ҳомийлигида очилди, — дейди мактаб директори Назира Муҳаммаджонова. — Мазкур 9-синфга 28 нафар қобилиятли ўқувчи тест синовлари

(Давоми 3-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 октябрь куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, кузги йиғим-терим ишларининг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди. Шунингдек, Президент Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида бўлиб, Ватанимиз сарҳадлари посбонлари — зобит ва аскарлар билан учрашди.

❀ 29 сентябрь — 3 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллигида бўлди.

❀ 7 октябрь куни Тошкентда пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашиб, нутқ сўзлади.

❀ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков Самарқандда бўлиб, қутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари билан танишди.

❀ Россия Президенти Б. Ельцин Чечнистонга мустақиллик берилмаслиги ҳақида яна баёнот бериб, Россиянинг ҳудудий яхлитлиги масаласи чечен раҳбарияти билан музокаралар мавзуи бўла олмайди, деди.

❀ Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қилмишларини сингдира олмаслигини халқаро жамият очиқ-ойдин айтиши керак, деди Европа комиссияси аъзоси Эмла Баино. У толиблар томонидан содир этилаётган ҳодиса ва воқеаларга халқаро ҳамжамият жим турганлигини танқид қилди.

❀ Жанубий Корея Пхеньяннинг даҒдаҒаларидан сўнг Шимолий Корея билан амалий алоқаларни узишга қарор қилди. Ҳамкорликдаги лойиҳалар тўхтатиб қўйилди.

Обуна — 97

Ҳурматли газетхонлар!

Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!

Ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига 1997 йил учун обуна давом этмоқда.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун — 64683

5-11-синфларда ўтиладиган «Жаҳон тарихи» фани соатлари тақсимоти билан 2-саҳифада танишасиз.

Ёш футболчиларнинг республика биринчилиги мусобақалари муваффақиятли ўтди. У ҳақда газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МАОРИФ ОЛАМИДА

ЭНГ ШОВ-ШУВЛИ ИХТИРО

Бир гуруҳ АҚШ олимлари 20 йил олдин оксандан топилган организмларни ўрганиб, ерда яшаётган ўзгача организм шаклини очишди. Тирикликнинг 2 тармоғи: прокариотлар (ҳужайраси ядросиз) ва эукариотлар (юксак организмлар) орасидан жой олган янгича жониворларнинг топилиши янги бир материкни кашф этишга тенг деб баҳоланмоқда.

ҚИРҒИНГА ҚАРШИ

Буюк Британия полициясининг ноёб қушлар устида ноқонуний тажриба ўтказаётган генетик олимларга қарши кескин чоралар кўрмоқда. Яқинда Ноттингем университетида 30 га яқин қушларнинг ўлиги топилди. Маълум бўлишича, олимлар қушларнинг қонини ўрганиш мақсадида қурбонлар сонига аҳамият ҳам бермаганлар.

ШОКОЛАДДАГИ ОҒУ

АҚШ Нейрофизиологик тадқиқотлар марказининг олими Д.Пайомелли изланишлари шоколад таркибида одам миясига наркотик каби таъсир этувчи анандамид моддаси борлигини кўрсатди. Бироқ олим «бунинг хавфли томони йўқ, чунки анандамид бир утиришда 11 кг шоколад сийлсагина ҳақиқий оғудек таъсир этади», демоқда.

«ТАДБИРКОР» ЯНА ҒОЛИБ

Марҳамат туманидаги Усмон Юсупов номидаги 13-ўрта мактаб ҳамда Ибн Сино номидаги 16-ўрта мактабларнинг ўқувчилари гуруҳлари ўртасида иқтисодий билимлар бўйича ўткир зеҳнлилар мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда 13-мактабнинг «Тадбиркор», 16-мактабнинг «Ишбилармон» командалари қизғин баҳслашдилар. Ўқувчилар ўртасида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимиз, давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкчилик тўғрисидаги қонун ва унинг моҳияти каби ўнлаб қизиқарли ҳаётий савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, 13-ўрта мактабнинг «Тадбиркор» гуруҳи мусобақа ғолиби деб топилди.

А. ЭРАЛИЕВ.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ГУЛ КЎТАРИБ КУТИЛГАН КЕЧА

Яқинда Чортоқ туманидаги маданият ва истироҳат боғида «Гуллар байрами» ҳам нишонланди. Қизиқарли ўтган бу байрамда тумандаги барча жамоа хўжаликлари — қурилиш, халқ таълими бўлими ва бошқа кўплаб ташкилотлар ўзларининг кишини мафтун этувчи нафис гуллари ва қизиқарли концерт дастурлари билан иштирок этишди.

Байрам кечасида туман халқ таълими бўлими вакилларининг олиб келган гуллари ва концерт дастурлари юқори баҳоланиб, байрам якунида туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан муносиб совғалар билан тақдирландилар.

VATAN RAMZI DILLARDA ZUHUR

O'zbekiston yoshlar «Kamolot» jamg'armasi Usmon Yusupov tumanida joylashgan markaziy «Tinchlik» kinoteatrida iqtidorli yoshlar kechasini o'tkazdi.

Tumandagi iste'dodli yosh shoirlar, mo'yqalam sohiblari, raqqosalaru xonandalar kechada o'z mahoratlarini yig'ilganlarga namoyish etishdi.

Ayniqsa, Yo'ldosh Qurbonov nomidaqi maktabning o'quvchisi Go'zal Norchaevaning sherlari, Sobir Rahimov nomli maktabning o'quvchisi Nilufar Ermatovaning bo'yoqlar «ijrosi»da yaratgan asarlari hamda Ahmad Sulaymonov ijro etgan ona yurt haqidagi qo'shiqlar tomoshabinlar qalbiga o'zgacha zavq-shavq baxsh etti. Kecha yakunida «Kamolot» jamg'armasining tuman bo'limi raisi Toshmurod Gulmatov so'zga chiqdi va yosh istedod sohiblariga jamg'armaning qimmatbaho sovg'alarini topshirdi.

ОЗ ВАҚТНИНГ СОЗ НАТИЖАСИ

Шофиркон туманидаги 18-ҳунартехника билим юртининг бизнес мактабига айлантирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. 1995—96 ўқув йилиданоқ бозор иқтисодиёти жараёнларига мос келадиган мутахассислар тайёрлашга киришилди. Ҳозир ушбу бизнес мактабида ўрта ва кичик корхоналар учун менеджер, кичик бизнес ҳисобчиси, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бўйича бизнесмен мутахассислар тайёрланмоқда. 200 га яқин ўқувчи таълим олаётган дарсхоналар замонавий техник ускуналар, компьютерлар, чет элда ишлаб чиқарилган касса аппаратлари билан жиҳозланган.

Бизнес мактабининг иқболи порлоқ.

Муаллифлар: А. НЎЪМОНОВ, F. ESHQULOV, Д. ЖАББОРОВ.

ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ — БИЗНИНГ ТИНЧЛИГИМИЗ

(Боши 1-бетда).

га худди шу нуқтаи назардан қараш жоиз.

Шу куни Алматидаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари Виктор Черномирдин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ўзаро учрашдилар. Мамлакатлар раҳбарларининг холи суҳбатида Афғонистон ва Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган таркибдаги учрашув бўлди. Унда Афғонистонда юзага келган вазиятнинг мазкур мамлакатлар хавфсизлигига дахлдорлиги, унинг олдини олиш учун умумий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари ушбу воқеа юзасидан ўз нуқтаи назарларини изҳор этиб, минтақадаги ҳар бир давлат манфаатларига мос умумий чоратадбирларни белгилаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда МДҲнинг коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномаси доирасида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш борасида фикрлашдилар.

Муҳокамалар ва фикрлашувлар якунида Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Саммит ниҳоясида делегациялар раҳбарлари журналистлар билан учрашдилар. Унда Афғонистондаги воқеалар Марказий Осиё минтақасига таъсир ўтказадиган бўлса, МДҲнинг коллектив хавфсизлик шартномасига аъзо давлатлар ўзларининг жавоб чораларини кўриши, жафокаш афғон замини да тезроқ тинчлик ўрнатилиши ҳамда унинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, шу кунларда «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг тўртдан уч қисмини эгаллаган ва мамлакатнинг шимолий қисмига яқинлашиб келаётир. Бу ерда эса генерал Абдул Рашид Дўстум ўз мавқеини мустаҳкамлаб турибди. Агар «Толибон» ҳаракати мамлакат шимолини ҳам эгалласа, Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари ёнига келиб қолади. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Ўзбек генерали Дўстумга ҳарбий ва сиёсий ёрдам бериш керак деган масалага сизнинг муносабатингиз қандай» дея савол берилди.

Президент Ислом Каримов журналистлар эътиборини аввал ҳам бир неча бор таъкидлаган масала — Абдул Рашид Дўстумнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари томонидан «Ўзбек генерали» деб аталишига қаратди. У аввало, ўзбек генерали эмас, афғон генералидир. Мисол учун Ўзбекистонда қайси миллатга мансуб генерал чиқмасин, у ўзбек генерали, шу мамлакат ва шу замин фарзандидир. Чунки у аввало ўша юрт манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб генерал бўлса, у «корейс генерали» бўлиши керакми...

— Афғонистон шимолида уч миллионга яқин ўзбек яшайди, — деди Президент Ислом Каримов. — Уларга Ўзбекистон фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатади, холос. Шунингдек, биз уларни электр энергияси билан таъминлашда кўмаклашамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Абдул Рашид Дўстумга бошқа йўсинда ёрдам бериш масаласи, агар лозим топилса, МДҲдаги ҳамкорлар билан биргаликда муҳокама этилиши кераклигини айтди.

Журналистлар билан учрашувда мазкур давлатлар ўз ҳарбий қисмларини маълум бир ҳудуд ёки чегара яқинига сафарбар этишни режалаштирмагани маълум қилинди.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Алматига сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.
Алмати.

Обуна — 97

МАТБУОТ — МАНБА

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи муовини.

Сўнгги пайтда ҳукуматимизнинг маънавият ва маърифатга, миллий қадриятларга эътибори янада кучайди. Бунга яқиндагина чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда унга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори яққол мисол бўла олади. Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳам иқтисод, ҳам маънавият соҳаларида бирдек олиб борилаётгани мамлакатимизнинг умумжаҳон тараққиёти сари интилишидаги ўзига хосликдан далолат.

Шундайин бир янгиланишлар, Буюк давлатнинг мустаҳкам иморатига ишончли пойдевор қўйилаётган бу тарихий даврда биз — маорифчилар ҳар дамда замон билан ҳамнафас, эртанги кунни ҳис этган ҳолда яшамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз даркор. Бунда бизга биринчи галда матбуот ва оммавий ахборот воситалари энг яқин кўмакдош бўлади. Негаки, бутун жаҳон педагогикасининг илғор тажрибалари, фан-техникаси ютуқлари билан биз газета, журналлар, радио ва телевидение орқали танишамиз. Уларни ўз иш фаолиятимизда қўллаймиз. Халқ таълими вазирлиги муассислигида чиқаётган матбуот нашрларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири эса бу вазирлик билан таълим муассасалари ўртасидаги энг тезкор ва самарадор алоқа воситаси эканлигидир. Чунки таълим борасидаги муҳим ҳужжатларни, замонавий дастур ва қўлланмаларни, ўқитувчилар жонига оро кирувчи қўшимча материалларни биз улар орқали жойларга бир зумда етказамиз, маорифчиларнинг ҳаётидан хабардор бўламиз.

«Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари, «Тил ва адабиёт», «Преподавание языка», «Халқ таълими», «Соғлом авлод учун», «Бошланғич таълим», «Ғунча», «Гулхан» журналларининг ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавзуси, ўз мухлислари бор. «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталаридан шу куннинг қайноқ нафаси уфуриб турса, журналларимизда илмий мақолалар, долзарб масалаларнинг батафсил таҳлили ҳамда ҳар томонлама ўқитувчига кўмак бўлувчи қўшимча манбалар берилиб борилади. Улардан бохабар бўлиш баробарида ижодий фойдалана билган педагоггина замон талабига лаббай, дея олади. Улар қаторида «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарини мунтазам ўқиб бориш тарих, адабиёт, география каби фанлар ўқитувчиларини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий, маданий ҳаётидан воқиф этади.

Очиғини айтсак, айни кунда кўпгина дарсликларимиз эндигина яратила бошланаяпти. Ўтиш даврининг бу каби муаммоларини кечиктирмай ҳал этишдаги матбуотнинг хизматини эътиборга олсак, уларнинг аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам беқиёслигини кўрамиз. Масалан, «Маърифат» газетасида улуғ саркарда, давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритган сабоқларнинг берилганлиги, бозор иқтисодиётига оид мавзуларни ўзида мужассамлаштирган «Иқтисод сабоқлари»нинг берилиб борилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ўйлаймизки, бу каби ноёб манбалар ўз фанининг фидойиси бўлган ҳар бир мутахассис шахсий кутубхонасининг нодир асари сифатида ардоқланмоқда. Шунингдек соҳалаштирилган журналларнинг ҳар бир сонида ўқитувчиларимиз ўзларига тегишли бўлган бир талай қўшимча маълумотлар, илғор тажрибалар, дарс ўтиш методлари билан танишиши мумкин.

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб барча нашрларга обуна давом этмоқда. Салмоқли газета ва журналларига эга бўлган Халқ таълими вазирлиги ҳам бу ишни кўнгилдагидек ташкил этиш, таълим-тарбия муассасаларининг, ўқитувчию тарбиячиларнинг ўз журнал ва газеталарига обуна бўлишини таъминлашнинг маъқул йўлларини топиш борасида бир талай ишларни амалга оширди. Аввало ҳар бир таълим-тарбия муассасасида ушбу нашрлардан камида 2 та, яъни раҳбар хонасида ва кутубхонада бўлишини таъминлаш лозим деб ўйлаймиз. Негаки, раҳбар ишни ҳозирги кун эҳтиёжига мос олиб бориши учун маорифдаги кичик янгиликдан тортиб то Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз қабул қилаётган фармонлар, қарорларни билиши, уларга жавобан фаолият кўрсатиши керак. Кутубхонадаги газета ёки журналдан эса ўқитувчилар, қолаверса ўқувчилар фойдаланишади. Вазирлигимиз томонидан ишлаб чиқилган ва тегишли жойларга юборилган тақсимотда ўқитувчилар обуна бўлишининг ҳам кўпчиликка маъқул бўладиган йўли кўрсатилган.

Азиз муаллимлар, тарбиячилар, таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари! Сизларни уюшқоқлик билан обуна жараёнини қўнгилдагидек ташкил этишда энг яқин ёрдамчиларимиз деб биламиз. Янада янги-янги мавзуларни, муаммоларни ёритишнинг аниқ режаларини тузиб сизу бизга ёрдамни давом эттиришга чоғланаётган журналистлар меҳнати қадрига етасиз деган умиддамиз. Ниятимиз — Сизнинг фақат нашрларимизнинг ўқувчиси бўлишингиз эмас, балки уларнинг фаол жамоатчи мухбирларига айланишингиз. Дарвоқе, республикамизда чиқадиган бошқа газета ва журналларга обуна бўлишни ҳам унутмайлик. Негаки, улар ҳам маънавий юксалишимизга, дунёқарашимизнинг кенгайишига яқиндан хизмат қилади.

ТАНЛОВ КАШФ ЭТГАН ДИРЕКТОР

Суратдаги ушбу аёл кўзингизга иссиқ туюлаётган бўлса ажабмас. 1993 йилда бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси — 93» республика кўрик-танлови ёдидан чиқмаганлар уни дарров танишди. Танимаганлар учун эса маълумот: Марҳабо Тоирова — Каттақўрғон шаҳридаги Қўрғонбой Естенесов номидаги 11-мактаб директори, шаҳар кенгаши депутати. Ҳа, Сиз билан оддий ўқитувчи Марҳабо Тоировaнинг ҳозирда ташвишлари анчагина кўпайган.

— Қилаётган ишинг қанчалик эзгу бўлса, унинг ташвишлари ҳам шунчалик тотли бўларкан, — деди М. Тоирова.

Яна «Йил ўқитувчиси—93»кўрик-танловига қайтсак-да, унинг якуни ҳақидаги мақолада журналистларнинг учинчи ўринни эгаллаган «Марҳабо Тоировага хос ташкилотчилик»ка бежиз ўргу берилмаганлигини, бу баҳонинг нақадар холис ва тўғрилигини исбот этсак. Негаки, унинг ҳозирги фаолиятида ушбу хислат ҳар қадамда асқотмоқда.

Абдусамад ЭРНАЗАРОВ.

Расмий бўлим

«ЖАҲОН ТАРИХИ»НИ ЎҚИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон тарихи» билан «Жаҳон тарихи» 5-11-синфларда ёнма-ён ўқитилади. Баъзи мавзуларда умумийлик бўлиши мумкин. Бироқ «Жаҳон тарихи» Ўзбекистон давлати мавзусини кенг маънода ўрганади. Шу сабабли 1996-1997 ўқув йилида иккала тарихга ҳам 367 соатдан дарс ажратилди ва даврлаштириш анча мувофиқлаштирилди. «Жаҳон тарихи»га қуйидагича соатлар тақсимланган:

5-синф —34 соат — Қадимги давр.
6-синф— 34 соат — Қадимги давр.
7-синф — 68 соат — Ўрта асрлар даври.
8-синф —34 соат - Янги давр (1640-1870 йиллар).
9-синф — 51 соат — Янги давр (1870-1918 йиллар).
10-синф — 68 соат — Энг янги давр (1918-1939 йиллар).
11-синф — 68 соат — Энг янги давр (1939-1996 йиллар).

1995-1996 ўқув йилида олдинги ўқув йилига нисбатан биргина ўзгариш бўлган, яъни 1994-1995 ўқув йилида «Ўрта асрлар тарихи»га 34 соат ажратилган бўлса, бу ўқув йилида 68 соат ажратилган. Қолган синфларда эса соатлар ўзгармай қолган.

Албатта, «Жаҳон тарихи»нинг муҳим муаммоларини ҳозирги даврга мослаб ёритишда мавжуд дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ҳали камчиликлар бор. Шу сабабли ўқитувчи даврий матбуот материаллари ва адабиётлардан унумли фойдаланиши лозим. «Жаҳон тарихи» бўйича ўқувчилар билимларини қуйидагича баҳолаш тавсия этилади:

5-6-синфлар — I ва II ярим йиллик — йиллик;
7-синф — чораклар бўйича ва йиллик;
8-синф — I ва II ярим йиллик — йиллик;
9-синф — чораклар бўйича ва йиллик;
10-11-синфлар — чораклар бўйича ва йиллик.

ЭСЛАТМА: «Маърифат»да илгари эълон қилинган «Таянч ўқув режаси»даги умумий тарих учун ажратилган соатлар 6-синфга ҳафтасига бир соатдан, жами 34 соат, 7-синфга ҳафтасига 2 соатдан, жами 68 соатдир.

ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5-11-СИНФЛАРИДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»ДАН ЎҚУВ МАВЗУЛАРИНИНГ РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ

5-СИНФ

Кириш — 2 соат.

Биринчи бўлим: «ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ»

1-мавзу. Ибтидоий одамлар ҳаёти — 2 соат.
2-мавзу. Уруғ жамоаси — 2 соат.
3-мавзу. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошланиши — 1 соат.
4-мавзу. Ибтидоий одамларда диннинг пайдо бўлиши — 1 соат.
Такрорлаш — умумлашма дарс — 1 соат.

Иккинчи бўлим: «ҚАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ»

5-мавзу. Қадимги Миср — 6 соат.
6-мавзу. Қадимги Месопотамия — 2 соат.
7-мавзу. Қадимги Вавилония — 2 соат.
8-мавзу. Қадимги Финикия ва Оссурия — 2 соат.
9-мавзу. Янги Вавилония. Эрон подшолигининг ташкил топиши — 2 соат.
10-мавзу. Қадимги Ҳиндистон —2 соат.
11-мавзу. Қадимги Хитой — 2 соат.
12-мавзу. Урарту подшолиги — 2 соат.
Такрорлаш-умумлашма дарс — 2 соат.
Эҳтиёт соатлари — 3 соат.
————————
Жами: 34 соат.

6-СИНФ

Кириш — 1 соат.

Учинчи бўлим: «ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ»

1-мавзу. Қадимги Греция ва грекларда тенгсизликнинг пайдо бўлиши — 3 соат.
2-мавзу. Эрамиздан олдинги VIII—VI асрларда грек шаҳар-давлатларининг ташкил топиши — 3 соат.
3-мавзу: Эрамиздан аввалги V асрда Грецияда қўлчиликнинг ривожланиши ва Афинанинг юксалиши — 2 соат.
4-мавзу: Эрамиздан аввалги V-IV асрларда эллин маданияти— 3 соат.
Такрорлаш—умумлаштириш дарси — 3 соат.

Тўртинчи бўлим: «ҚАДИМГИ РИМ»

6-мавзу: Рим республикасининг ташкил топиши ва Италиянинг истило қилиниши — 2 соат.
Карфаген ва Римнинг Ўрта ер денгизида ҳукмронлик қилиш учун курашлари— 2 соат.
7-мавзу: Рим — энг йирик қулдорлик давлати — 4 соат.
Такрорлаш дарси — 1 соат.
8-мавзу: Рим империясининг қудратли даври— 4 соат.
9-мавзу: Рим империясининг инқирози ва ҳалокати — 3 соат.
Такрорлаш—умумлаштириш дарси — 1 соат.
Якуний такрорлаш— 2 соат.
Эҳтиёт соатлар — 2 соат.
Жаъми: 34 соат.

7-СИНФ

Кириш: «Курснинг мақсад ва вазифалари» — 1 соат.

Биринчи бўлим: «ФЕОДАЛ ТУЗУМНИГ ТАРКИБ ТОПИШИ ЁКИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР»

1-мавзу: V-XI асрларда Ғарбий ва Марказий Европа:
1. Германлар ва уларнинг Ғарбий Рим империяси ҳудудида жойлашишлари — 1 соат.
2. Франклар давлати. — 1 соат.
3. Йирик ер эгалигининг ўсиши ва деҳқонларнинг қарам қилиниши — 1 соат.
4. Буюк Карл империяси ва феодалларнинг кучайиши. Натурал хўжалик —1 соат.
5. Феодал тарқоқлик. Ўзаро урушлар — 1 соат.
2-мавзу: VI-XI асрларда славянлар, славян давлатларининг ташкил топиши. Киев руси — 2 соат.
3-мавзу: VI-XI асрларда Европа маданияти — 1 соат.
4-мавзу: VI-XI асрларда Византия империяси ва Яқин Шарқ:
1. Византиянинг ривожланиши ва феодал тузумининг ўрнатилиши — 1 соат.
2. Византия маданияти. Маданий алоқалар — 1 соат.
5-мавзу: VI-XI асрларда араблар:

1. Ислом ва араблар бирлашмалари.
Араб ҳалифалиги — 1 соат.
2. Халифалик мамлакатлари маданияти — 1 соат.
Такрорлаш-умумлаштириш дарси— 1соат.

Иккинчи бўлим: «ФЕОДАЛ ТУЗУМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЁКИ РАВНАҚ ТОПГАН ЎРТА АСРЧИЛИК»

6-мавзу: Европада шаҳарларнинг ўсиши:
1. Ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши ва у ердаги ҳунармандчилик —1 соат.
2. Шаҳарликларнинг ҳаёти ва турмуши. Савдонинг ривожланиши - 1 соат.

7-мавзу: XI—XIII асрларда христиан черкови. Салиб юришлари:
1. Католик черкови ва унинг кураши — 1 соат.
2. Салиб юришлари ва уларнинг оқибатлари — 1 соат.

8-мавзу: Ғарбий Европада ривожланган давлатларнинг ташкил топиши:
1. Франциянинг бирлашиши. Қироллик ҳокимиятининг кучайиши—1 соат.
2. Юз йиллик урушнинг бошланиши. Жакерия — 1 соат.
3. XV асрдаги юз йиллик уруш. Жанна д'Арк.
Францияни бирлаштиришнинг тугалланиши — 1 соат.
4. Англияда марказлашган давлатнинг ташкил топиши. Уот Тайлер қўзғолони. Англия XVI аср бошида— 1 соат.
Такрорлаш—умумлаштириш дарси — 1 соат.

9-мавзу: Русда феодал тарқоқлик ва чет элликлар босқини:
1. Руснинг феодал тарқоқлиги — 1 соат.
2. Татар-мўғуллар босқини — 1 соат.
3. Немис ва шведларга қарши кураш — 1 соат.
10-мавзу: Чехияда Гусчилар ҳаракати — 1 соат.
11-мавзу: Усмонийлар империяси:
1. Туркларнинг Европадаги ғалабалари — 1 соат.
2. Усмон империяси XVI асрда — 1 соат.
12-мавзу: XI-XV арсларда Европа маданияти:
1. Маориф ва фан — 1
2. Санъат ва адабиёти — 1
13-мавзу: Осиё, Америка ва Африка халқлари:
1. Хитой — 2
2. Ҳиндистон — 1
3. Америка халқлари — 1
4. Африка халқлари — 1
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Учинчи бўлим: ФЕОДАЛ ТУЗУМНИНГ ЕМИРИЛИШИ ВА КАПИТАЛИСТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ЁКИ «СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАР» ВА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

14-мавзу: Жўғрофик кашфиётлар ва мустамлака босқинчиликлари:
1. Техниканинг ривожланиши — 1
2. Жўғрофик кашфиётларнинг сабаблари, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши ва Американинг кашф этилиши — 1
3. Биринчи дунё бўйлаб саёҳат — 1
4. Европаликларнинг колониал босқинчиликлари — 1
5. Жўғрофик кашфиётларнинг оқибатлари — 1
15-мавзу: XVI асрда Англияда капиталистик ривожланишининг бошланиши:
1. Манифактуранинг пайдо бўлиши. Меҳнатнинг бўлиниши ва аҳоли янги гуруҳларининг вужудга келиши — 1
2. Ғов тутиш ва унинг оқибатлари —1
3. Денгиз савдоси, мустамлака учун кураш — 1
16-мавзу: Францияда мутлоқ монархия:
1. Қироллик ҳукмронлигининг кучайиши — 1
2. Франция XVII асрнинг II ярмида — 1
17-мавзу: Европада реформация. Германияда деҳқонлар уруши:
1. Германия реформация ва деҳқонлар уруши арафасида — 1
2. Германияда реформациянинг бошланиши — 1
3. Германияда деҳқонлар уруши — 1
4. Реформациянинг Европага тарқалиши ва черков — 1
18-мавзу: Русияда феодал тузумнинг янада ривожланиши:
1. Рус ерларини бирлаштиришнинг бошланиши. Татар-мўғул зулмидан озод бўлиши учун кураш — 1
2. Марказлашган Русия давлатининг пайдо бўлиши — 1
3. XVI асрда Русиянинг иқтисодий аҳволи — 1
4. XVI аср ўрталарида давлат ҳокимияти ва мамлакат хавфсизлигининг мустаҳкамланиши. Опричнина — 1
5. XVII аср бошларида Русия — 1
19-мавзу: Нидерландия буржуа инқилоби:
1. Инқилобнинг бошланиши — 1
2. Буржуазиянинг Нидерландия шимолидаги ғалабаси — 1
20-мавзу: XV аср охири XVII асрнинг биринчи ярмида Европа маданияти:
1. Уйғониш даври маданияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари —1
2. Италияда санъатнинг гуллаб-яшнаши —1
3. Бошқа Европа мамлакатлари санъати — 1
4. Инсонпарвар ёзувчилар — 1
5. Фаннинг ривожланиши — 1
6. Такрорлаш дарси — 1
Якуний такрорлаш — 2
Эҳтиёт соатлар — 2
Жаъми: 68 соат.

8-СИНФ

Кириш: Янги тарихнинг предмети ва вазифалари.
Жаҳон XVII асрда — 1 соат.

Биринчи бўлим: «КАПИТАЛИЗМНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ»

1-мавзу: XVII асрда Англия буржуа инқилоби. Капитализмнинг қарор топиши — 2
2-мавзу: XVII-XVIII асрларда Шимолий Америка — 2
3-мавзу: Француз буржуа инқилоби. Наполеон Бонопарт диктатурасининг ўрнатилиши ва емирилиши — 2
24-мавзу: XVII аср охири ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Русия — 2
5-мавзу: XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларида Русия — 2
6-мавзу: XVII аср охири ва XVIII асрда фан ва маданият — 2
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Иккинчи бўлим: «КАПИТАЛИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ»

6-мавзу: 1815-1870 йилларда Англия — 2
7-мавзу: 1815-1970 йилларда Франция — 2
8-мавзу: 1815-1870 йилларда Германия, Италия, Австро-Венгрия — 2
9-мавзу: 1815-1870 йилларда АҚШ — 2
10-мавзу: 1815-1870 йилларда Русия — 1
11-мавзу: XVIII-XIX асрларда Лотин Америкаси мамлакатлари — 1

Учинчи бўлим: «ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ»

12-мавзу: Япония, XIX асрда Японияннинг кашф қилиниши — 1
13-мавзу: XVIII-XIX асрларда Хитой — 1
14-мавзу: XVIII-XIX асрларда Ҳиндистон — 1
15-мавзу: XVIII-XIX асрларда Эрон ва Туркия — 2
16-мавзу: XVIII-XIX асрларда Африка халқлари ва давлатлари — 1
17-мавзу: XIX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий фикр — 1
18-мавзу: XIX асрнинг биринчи ярмида жаҳон халқлари маданияти — 1
Такрорлаш-умумлашма дарс — 1
Якуний такрорлаш — 1
Жами: 34 соат.

9-СИНФ

Кириш. Жаҳон XIX аср охири ва XX аср бошларида. Харитадаги муҳим ўзгаришлар — 1 соат.

Биринчи бўлим: «ЕВРОПА ВА АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ»

1-мавзу: Франция-Пруссия уруши ва Париж коммунаси — 2
2-мавзу: Германия XIX аср охири ва XX аср бошларида — 3
3-мавзу: Франция XIX аср бошларида — 2
4-мавзу: Англия XIX аср охири ва XX аср бошларида — 2
5-мавзу: АҚШ XIX аср охири ва XX аср бошларида — 3
6-мавзу: Русия XIX аср охири XX аср бошларида — 3
7-мавзу: Жанубий-Шарқий ва Марказий Европа халқлари XIX аср охири ва XX аср бошларида — 3
8-мавзу: Лотин Америкаси мамлакатлари XIX аср охири ва XX аср бошларида — 2
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Иккинчи бўлим: «ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ»

9-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Япония — 2 соат.
10-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Хитой — 2
11-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Ҳиндистон — 2
12-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Эрон, Афғонистон — 2
13-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркия — 2
14-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Африка мамлакатлари —2
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Учинчи бўлим: «ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР»

15-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида халқаро муносабатлар — 3
16-мавзу: Биринчи жаҳон уруши — 3
17-мавзу: XIX аср охири ва XIX аср бошларида фан ва маданият — 3
18-мавзу: 1917 йилда Русиядаги инқилобий воқеалар — 3
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
Якуний такрорлаш — 1
Эҳтиёт соатлар — 2
Жами: 51 соат.

10-СИНФ

Кириш — 1 соат.

Биринчи бўлим: «ДУНЁ БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН СЎНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ЙИЛЛАРИДА»

1-мавзу: Русиянинг 1917 йилги Октябрь инқилобидан сўнг сиёсий ва иқтисодий аҳволи — 2
2-мавзу: Русия фуқоролари уруши ва хорижий интервенция йилларида - 3
3-мавзу: Германия ва Венгриядаги инқилобий воқеалар — 2
4-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Англия ва Франция — 2
5-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Жанубий ва Жанубий-Шарқий Европа — 2
6-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Америка Қўшма Штатлари — 1
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
7-мавзу: Мўғулистонда халқ инқилоби — 1
8-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Япония ва Хитой — 2
9-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Ҳиндистон — 2
10-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари — 2
11-мавзу: 1918 — 1923 йилларда халқаро муносабатлар — 3
12-мавзу: Байналминалчилик ва ижтимоий ҳаракатлар — 2
13-мавзу: Совет давлати халқ хўжалигини тиклаш йилларида — 2
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Иккинчи бўлим: «ЖАҲОНДА ВАЗИЯТНИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ, ФАШИЗМ ВА УРУШ ХАВФИНИНГ КУЧАЙИШИ (1924 — 1939)

14-мавзу: Германия — 3
15-мавзу: Англия — 2
16-мавзу: Франция — 2
17-мавзу: Жанубий ва Жанубий-Шарқий Европа — 3
18-мавзу: Испания — 2
19-мавзу: Америка Қўшма Штатлари — 3
20-мавзу: 1924-1939 йилларда СССР — 4
21-мавзу: 1924-1939 йилларда Мўғулистон — 1
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
22-мавзу: Хитой ва Япония — 3
23-мавзу: Ҳиндистон — 2
24-мавзу: Эрон — 1
25-мавзу: Туркия — 1
26-мавзу: Африка ва Лотин Америкаси — 2
27-мавзу: 1924-1939 йилларда урушга қарши байналминалчилик ҳаракати ва халқаро муносабатлар — 4
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
Якуний такрорлаш — 2
Эҳтиёт соатлар — 2
Жами: 68 соат.

11-СИНФ

Кириш. Урушолди сиёсий инқирози — 1 соат.

Биринчи бўлим: «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ (1939-1945)»

1-мавзу: Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва 1939-1941 йилларда уруш ҳаракатлари — 1
2-мавзу: Германиянинг СССРга ҳужуми ва Гитлерчилар коалициясининг тузилиши — 1
3-мавзу: Урушнинг боришида туб бурилиш — 1 соат.
4-мавзу: Агрессив блокнинг тор-мор келтирилиши ва урушнинг якунлари ҳақида ҳамда сабоқлари — 2
Иккинчи бўлим: «ЕВРОПА ВА АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ХХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА»
5-мавзу: ХХ аср иккинчи ярмида Ғарб жамиятлари ривожланишидаги ўзгаришлар — 1
6-мавзу: Америка Қўшма Штатлари —2
7-мавзу: Урушдан кейинги ўн йилликларда Ғарбий Европа мамлакатлари — 1
8-мавзу: Буюк британия — 2
9-мавзу: Франция— 2
10-мавзу: Германия — 2
11-мавзу: Италия — 2
12-мавзу: Жанубий-Ғарбий Европа мамлакатлари — 2
13-мавзу: Шимолий Европа мамлакатлари — 1
14-мавзу: Урушдан кейинги йилларда СССР — 4
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
15-мавзу: Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари. «Халқ демократияси» даври — 1
16-мавзу: Совет намунаси буйича социализм қуришга ўтиш. Биринчи инқирозлар — 1
17-мавзу: Социализм совет модели инқирозининг чуқурлашуви — 1
18-мавзу: Польша, Венгрия — 1
19-мавзу: ГДР, Чехословакия — 1
20-мавзу: Болгария, Руминия — 1
21-мавзу: Югославия, Албания — 1
22-мавзу: Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари янги жамият қуриш йўлида — 1
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1

Учинчи бўлим: «АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ»

23-мавзу: Осиё ва Африка мустақил давлатларининг ташкил топиши ва уларнинг ривожланиш йўллари — 1
24-мавзу: Япония — 2
25-мавзу: Хитой — 2
26-мавзу: Мўғулистон, КХДР — 2
27-мавзу: Ҳиндихитой мамлакатлари — 1
28-мавзу: Ҳиндистон, Покистон — 3 соат.
29-мавзу: Эрон, Туркия, Афғонистон — 3
30-мавзу: Осиё Тинч океани ҳудуди — 1
31-мавзу: Яқин Шарқ. Араб-Исроил муносабатлари — 1
32-мавзу: Араб мамлакатлари — 2
33-мавзу: Тропик Африка мамлакатлари — 1
34-мавзу: Жанубий Африка мамлакатлари — 1
35-мавзу: Лотин Америкаси мамлакатлари — 2
36-мавзу: Куба республикаси — 2
37-мавзу: Халқаро жамоатчилик ҳаракатлари — 2
38-мавзу: 40-йилларнинг иккинчи ярми 90-йилларда халқаро муносабатлар — 3
39-мавзу: ХХ асрнинг иккинчи ярмида фан ва маданиятнинг ривожланиши — 2
Такрорлаш-умумлаштириш дарси — 1
Якуний такрорлаш — 1
Эҳтиёт соатлар — 2
Жами: 68 соат.

Тузувчилар: НОРМАТОВ И.К. — тарих фанлари доктори, профессор, ЛАФАСОВ М.Ф. — тарих фанлари номзоди, доцент, УРМОНОВ М.У — тарих фанлари номзоди, доцент.

МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

(Боши 1-бетда).

Шайхонтоҳур, Миробод, Яккасарой, Собир Раҳимов, Ҳамза, Юнусобод, Сирғали туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Зангиота тумани мактабларида бўлдилар. Тошкент шаҳрининг гўзал ва хушманзара жойлари бўйлаб саёҳат қилдилар. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган ўқитувчиларимиз бу дийдор онларида бир-бирлари билан тажриба алмашдилар, ўз фикр ва мушоҳадалари билан ўртоқлашдилар.

Республика Таълим маркази ва Ўқувчилар саройида педагогика бўйича янги ишлар билан танишув, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри санъаткорлари билан бўлган мулоқот ҳам байрам иштирокчилари қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида 4 октябрь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ҳам байрамнинг энг кўтаринки паллаларидан бўлди. Бу ерда йиғилган ўқитувчи ва мураббийларимиз мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ таълими ходимларига йўллаган табригини эшитиб, беҳад миннатдор бўлдилар. Табрикни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев ўқиб эшиттирди. Йиғилишда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ҳамда Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси, «1995 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» унвони нишондори Г. Ибодуллаева ҳам муаллимларимизни қутлаб, сўзга чиқдилар.

«Туркистон»даги тантаналар сўнгида бўлиб ўтган таниқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлар концерти ҳам меҳмонларга олам-олам завқ бағишлади.

И. БЎРИБОЕВ.

ИЛК САБОҚЛАР ҚУВОНЧИ

(Боши 1-бетда).

асосида қабул қилинди. Айни чоғда банк синфларида жиҳозлаш ишлари амалга оширилаётир. Жорий йилнинг охирига қадар 11 та «IBM» компьютери ўрнатиш режалаштирилган.

Дилнозахон дарс жараёнида кўргазмали қуроллар— тарқатма материаллар, диаграммалар, чакана товар айланмаси (1980 йилдан 1991 йилгача йилдан йилга ошиб бориши) кабилардан унумли фойдаланди. Шунингдек, ўқитувчининг яна бир ютуғи шунда бўлдики, у ўқувчиларга ҳозирги кундаги сиёсатни дарс мавзусига боғлаган ҳолда ўтиб, ўқувчилар билим савиясини янада оширишга эришди. У Президентимиз И. Каримовнинг Андижон вилояти пахта далаларида бўлгани, у ерда пахтани плёнка остида ўстириш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ҳамда ердан йилига икки марта ҳосил олиш тўғрисидаги фикрларини тушунтирди.

Мазкур банк синфларида дарслар Ўзбекистон Республикаси банк ассоциацияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда 50 соатга мўлжалланган «Махсус банк синфлари» дастурини шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг 34 соатлик дастурига сингдирилган ҳолда ўтилаётир. Бунда тестлар, машқлар, тарқатма материаллар киритилган.

Банк синфларида талабалар йўналишга оид фанлар — инглиз тили, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, иқтисодий билим асосларидан сабоқ олаётирлар. Ўқув йилининг иккинчи ярим йилида эса менежмент: шахс психологияси, мулоқот психологияси, бошқариш психологияси, иш юритиш услубиятидан таҳсил оладилар.

Банк синфларида дарс бериш жараёнида қандай муаммолар мавжудлиги ҳақида сўраганимизда Дилнозахон Жўраева қуйидагича жавоб берди:

— Банк синфидаги ўқувчиларнинг қизиқиши дуруст. Бироқ кенгроқ билимга эга бўлишлари учун дарслик йўқ. Режамиз, дастуримиз бор. Иқтисодиётга оид адабиётлар, И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» сингари асарларидан фойдаланган ҳолда ўтмоқдаман.

Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Излаган, албатта, имкон топади. Дилнозахон Жўраева ҳам ўқувчиларига янгилик беришга, улар билимини янада бойитишга ҳаракат қилаётир.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг илмий-сиёсий, иқтисодий асарлари халқимизнинг барча соҳадаги ютуқларини кўрсатиш билан бирга порлоқ келажак яратишнинг тамал тоши ҳамдир. Улар илҳомбахш ва бой тарихий манба бўлиб қолади.

Юртбошимизнинг асарлари умумтаълим мактаблари учун ҳам туганмас манбадир. Чунки уларда замон сиёсати билан боғлиқ ғоя ва тушунчалар ўз аксини топган. Ислом Каримов «Кишилик жамияти эл-юртта, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади», деб таъкидлайди ўзининг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарида.

Ҳа, давлатимиз ва жамиятимиз учун маънавияти юксак соғлом авлод керак. Соғлом авлод тарбияси бошқа муассасалар қатори мактабларга ҳам юклатилган. Демак биз ҳар жиҳатдан камол топган ёшларни тарбиялашимиз керак. «Соғлом авлод учун» орденининг ўқитувчиларга ҳам берилиши уларнинг обрў эътиборини оширади, ижодий ишга рағбатлантиради.

Маълумки, демократик ҳокимият халқ қўлидаги сиёсий тузум, давлат шаклидир. Шундай экан, давлат ихтиёридаги ҳар бир корхона-муассаса барча масалаларни ҳал қилишда баҳоли-қудрат иштирок этади. Президентимизнинг демократик жамият барпо қилиш ҳақидаги сиёсий қарашлари мактабга ҳам дахлдор эканлигини унутмаслик керак. Чунки мактабни демократиялаштириш таълим-тарбия мазмунига янгилик олиб киради. Зотан, халқ таълими ва мактаб ишини демократлаштириш таълим-тарбия ишини ривожлантиради, унинг мазмунини бойитади. Ўқитувчиларнинг иш унумдорлигини ошириб, маънавий руҳ беради.

Юртбошимизнинг «инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш, азалдан ҳаммага маълум ўзбекларнинг бир-бирларига ҳурматда бўлиши ва ҳамдардлиги эса инсонийлик ҳамда ишонч муҳитини вужудга келтиради» деган фикрлари бугунги мактабларимиздаги умумий аҳвол билан, маънавий йўналишлар билан тамоман боғлиқдир.

Ёш авлодда инсонпарварлик туйғусини жўштириш таълимдаги мақсаддир. Инсон омили ҳамма даврда эътиборда бўлиб келган ва

БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ ЧАШМАСИ

ёки Президентимиз асарларидан таълим жараёнида фойдаланиш ҳақида қайдлар

инсонпарварлик доимо тарғиб қилинган. Инсон ўзининг ақл-заковати, тили ва меҳнати билан улуғдир. У шунинг учун улуғки, умри мобайнида эзгулик уруғларини сочади, саодат мевасини теради.

Инсонпарварлик мактабда янгича педагогик-психологик фикрлашни талаб қиладиган жараён. Шу боис халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлилик, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик энг ёрқин фазилатдир.

Ватан она каби азиз ва мукаррамдир. Ватан туйғуси шундан иборатки, иддизларимизни топиш, қайси миллатга мансублигимизни ҳис этиш, ўз томиримизга тортиш шу халқ учун хизмат қилишимиздан иборат бўлмоғи керак. Шундай экан, таълим-тарбия ишининг бутун мазмунини Ватанни севиш ва инсонпарварлик туйғусига қаратмоғимиз зарур.

Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир хазина. Илмсиз инсон мевасиз дарахтдир. Келажак эгаларини илмли қилиб тарбиялаш маданият, маърифат ва инсоният дунёсига чорловдир. Бутун ҳаётимиз бахту саодатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдир. Бу ишларнинг барчасини мактаб бажаради. Мактаб ишини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг раҳбарларига боғлиқдир. «Раҳбарлик — вазифа, у мансаб эмас» деган эди Ислом Каримов. Халқ таълими ходимлари, мактаб раҳбарлари доимо халқ орасида, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг орзу-истакларини билмоқлари, гапларини тингламоқлари зарур.

Президентимиз ўз китобида (261-бет) «Ўқитувчилар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак» деб таъкидлайди. Ўша кунларнинг келишига ишончимиз комил.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойили» таълимотида қонун устиворлиги ҳақида шундай дейилган: «Мамлакат қонунларига жами фуқаро — ёшидан, мансабидан, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, барча баробар бўйсунмоғи фарз».

Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида шахсларнинг таълим соҳасидаги ўзаро муносабатлари, ҳуқуқ-ваколатлари ва масъулиятлари белгилаб берилган. Унда кўрсатилган таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш халқ таълими ходимлари, ўқитувчиларнинг вазифасидир. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва халқчиллиги, давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги, таълимда умумийсоний ва миллий маданий қадриятларнинг устиворлиги, билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш учун шароитлар яратиш каби имкониятлардан фойдаланиш келажак истиқболимизни белгилайди.

Бир сўз билан айттанда, Ислом Каримов асарларидан дарс жараёнида кўчирмалар олиб фойдаланишнинг аҳамияти беқиёсдир. Агар биз ўз соҳамизда бу асарларни татбиқ қила олсак, муваффақиятларимиз кўпаяди, холос.

Ҳикматилла АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Инглизчани ўрганамиз

ОИЛА

Холам жуда болажон,
Улашар кўп конфет, қанд
Дарвоқе, инглизчада
Холани дейишар aunt (а:нт)

* * *

Акам тилга ҳўп уста,
Билимдон-да жуда ҳам.
Менга айтар: «акани
brother (браэ) дейдилар,
укам»

* * *

Синглимнинг инглизчага
Айланиб қолмиш тили.
Менга дейди бидирлаб:
Оила бу — family
(фэмили)

* * *

«Ота — father (фаэ), она
— mother (мазэ),
Сингил эса sister (систэ)
дир»
Муаллимамиз берар сабоқ,
Биз ёдлаймиз бирма-бир.

* * *

nephew (невю) дегани--
жиян,
uncle (ангкл) — тоға
дегани
Мен тоғамга қарашдим
Боғда кучат эккани.

* * *

kin (кин) дегани — қарин-
дош,
Хайр, дарсимиз одош.

Асқар ШОКИР таржималари.

Эъзоз

УМИДЛАР, ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Садриддин Айний номидаги 84-мактаб жамоаси учун ақраб ойи, айниқса, қутлуғ келди. Илм маскани ташкил этилганлигининг 60 йиллик тантанаси ўқитувчиларнинг касб байрамларига уланиб кетди. Қўшалоқ байрамга мактабни турли йилларда битирган собиқ ўқувчилар, фахрий устозлар, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда туман халқ таълими бўлими вакиллари ташриф буюришди.

Мактаб директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Мирҳамид МИРАҲМЕДОВ меҳмонларга мактаб тарихи, илм масканида фаолият кўрсатган фидойи инсонлар, айни кунда миллий мафкурамиз ривожига, қадриятларимизни тиклашга ҳамда мактаб довруғини республикага танитишга катта ҳисса қўшаётган жонкуяр ўқитувчилар ҳақида фахр ва ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Тантанали йиғинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВга сўз берилди. У мактаб жамоасини қўшалоқ байрам билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, шахсан халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев номидан қизғин қутлади — бир гуруҳ ўқитувчиларга вазирлик мукофотларини топширди.

Тантанада Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ҳамда Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мудири Равшанбек Усмонбековлар ҳам фидойи муаллимларни тақдирлашди.

Байрамда кекса ўқитувчилар ҳаёт тажрибаларини сўзлаб бердилар. Шу билан бирга ўтиб кетган устозлар ёдга олинди. Собиқ ўқувчилар эса собиқ ўқитувчиларига, мактабга совға-саломлар ҳадя қилишди.

Мактаб ўқувчилари ва таниқли санъаткорлар ижросидаги қўйқўшиқлар эса байрамга ўзгача жозиба, тароват бахш этди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Тажриба, синов, натижа

ОДДИЙ УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Хозирги вақтда ўқувчилар билими тест варақалари ва компьютер орқали аниқланмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ ҳар бир «яхши»нинг акс томони ҳам бўлади. Ўқувчи тест варақаларини кузатар экан ўзи тўғри деб билган жавобларни белгилашдан нарига ўта олмайди. Фикримча, бу ҳол ўқувчини «соқов» қилиб қўяётир. Натижада унинг оғзаки нутқига путур етмоқда. Устига устак шундай ҳоллар ҳам рўй бериб турибдики, билими жуда паст ўқувчилар ҳам ўзлари билмаган ҳолда тасодиф билан тўғри жавобларни белгилаб қўйиб, олган «аъло» баҳоларидан ўзлари лол қолмоқдалар.

Тест варақалари билан ўқувчилар билимини аниқлаш жараёнида учраб турадиган ана шундай жузъий камчиликларнинг олдини олиш мақсадида мен тест-плакат ишлаб чиқдим.

Аввало, уни тайёрлаш хусусида.

Тест-плакат тайёрлаш учун 2 та стандарт ватман ёки ярим ватман қоғози олиниб клей билан энига ёпиштирилади. Бир қатор саволлар ва 3 қатор жавоблар учун жой ажратилиб, карточкалар учун чўнтакчалар ўрнатилиб (клей билан ёпиштирилиб) чиқилади.Ҳосил бўлган плакатга 2 қатордан 26 та савол ёзилган карточка ва 78 та жавоб ёзилган карточкалар жойлаштириш мумкин. Агар жавобли карточкалар ораси яқин қўйилса, 3 қатор эмас, балки 5 қатор жавобли карточкалар (78 та эмас, 130 та) жойлаштирса ҳам бўлади.

Тест-плакат тайёрлаш учун унга ёпиштириладиган чўнтакчалар ўлчами қуйидагича тайёрланиши мумкин:

Карточка кийгизиладиган чўнтакнинг ўлчами;

Бўйи 1,5 см, эни 4 см.

Савол-жавоб ёзиладиган карточканинг ўлчами бўйи — 5,5 см, эни 4 см бўлади.

Карточканинг чўнтакчага кийгизиладиган қисмининг ўлчами: бўйи — 1,5 см, эни 2 см.

Тест-плакатда 1 та саволга 3 та жавоб бор. Бироқ юқорида тилга олингандек 1 та саволга 5 та жавобли тест плакат тайёрласа бўлади.

Яна шундай варианти ҳам борки, тест-плакатдаги саволларни 2 қатор эмас, 1 қатор қилиб, қолган жойларга жавоб карточкалари қўйиб чиқилса, тест-плакат 1 та саволга 15 тадан жавоб тарзида тузилади.

Савол-жавобларнинг сони чекланмаган. Ўқитувчи ўзи хоҳлаганча савол-жавобли тест-плакат тузиши мумкин. Фақат етарли миқдорда қоғоз бўлса бас. Қоғозларни ҳам танлай билиш керак. Плакат учун юқорида айтилгандек ватман, бўлмаса ярим ватман ёки қалин оқ қоғоз, аммо савол-жавоб ёзиладиган карточкалар учун, албатта, картон қоғоз бўлиши лозим, акс ҳолда юпқа қоғоздан тайёрланган карточкалар чўнтакчаларга кийгизиш ва улардан чиқариб олиш жараёнида эзилиб, букилиши ҳам ўз хусусияти ва қимматини йўқотиши мумкин.

Энди тест-плакатдан фойдаланиш хусусида ушбу тест плакат орқали ўқувчиларнинг географиядан олган билимларини аниқлаш жараёнини географик ўйин тарзида ўтказиш мумкин. Тест плакат олдига 4 та ўқувчини таклиф этиб, ҳар бирига 7 тадан савол жавобини тез ва тўғри топиш кераклиги тушунтирилади. Ким биринчи бўлиб тўғри топса, ўша ўқувчи ғолиб бўлади. Кейин яна бошқа тўрт ўқувчи ва ҳоказо. Ёхуд синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлиб, қайси гуруҳ кўп баҳо тўплаш борасида мусобақа уюштирилади.

Бу усул билан бир ўқувчининг билимини чуқурроқ аниқласа ҳам бўлади. Бунда таклиф этилган ўқувчига тест-плакатдаги барча саволларнинг тўғри жавобларини аниқлаб бериш топширилади. Ўқувчи ўзи тўғри деб билган карточкани ўз ҳолича қолдириб, жавоблари нотўғри деб билган карточкаларни эса орқа томонини ўгириб қўяди. Ўқувчи ўзи тўғри деб билган жавобларни нима учун тўғрилигини оғзаки нутқи билан изоҳлаб бериши мумкин (агар талаб қилинса).

Тест-плакатнинг афзаллиги шундаки, етарли савол-жавобли карточкалар тайёрланса, барча география курслари бўйича ҳам ўқувчилар билимини аниқлаш мумкин. Муҳими, бу жараён ўқув йилининг бошиданоқ ўтилган ҳар бир мавзу юзасидан ўқувчилар билимини аниқлаб бориш имконини беради. Ўқувчида тест-плакат билан ишлаш кўникмаси ҳосил бўлади ва ўзидаги янги мавзу юзасидан олган билими қай даражада эканлигини билиш истаги ортиб боради. Натижада ўқувчи йил давомида тест-плакат орқали ўзини-ўзи назорат қилиб боради.

Тест-плакатни нафақат географиядан, балки бошқа табиий ва ижтимоий фанлар бўйича ҳам тузиб, ўқувчилар билимини йил давомида аниқлаб бориш мумкин. Билимни аниқлаш қанчалик қизиқарли ўтиши фан ўқитувчисининг маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларида Туркистон табиий географиясини ўтиш жуда ночор аҳволда, бу сир эмас. Шу боис юқорида қайд этилган «Туркистон — умумий уйимиз» номли тест-плакат нашр этилиб кўпайтирилса ҳамда мактабларга тарқатилса, ўқитувчиларга жуда катта ёрдами теккан бўлур эди.

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-мактабнинг олий тоифали география ўқитувчиси.

Мактабим — фахрим

МАНЗИЛИ БОҒ ИЧРАДИР...

Хоразм вилояти Хива туманидаги 13-мактаб замонавий услубда қурилган кўркамгина бинога жойлашган. Мактаб ҳовлисига яқинлашишингиз билан дилингиз яйраб кетади. Атроф боғ. Ўз жамолини кўз-кўз қилаётган боғ манзараси сизни тамоман ўзига мафтун этади. Шафтоли шохлари мевасининг кўплигидан таъзим қилиб ерга қадар эгилиб тушган. Турли навдаги олмалар қўёшда товланади. Боғнинг ҳар ер, ҳар ерига экилган анвойи гуллар эса, ўнинг ҳуснига юздаги ҳол каби ярашиб турибди.

Бу тенгсиз гўзалликка гўё посбонлик қилаётган азим тераклар виқор билан кўкка бўй чўзган. Қора тол ва мажнунтоллар теварак-атрофга янада файз бағишлайди. Хуллас, бу боғ таърифини яна қанча давом эттирсак, шунча оз.

Умрининг 20 йилдан зиёдроғини таълим-тарбия ишига бағишлаб келаётган ажойиб инсон, моҳир ташкилотчи Кўпал Отабоев бу боққа, айниқса, алоҳида меҳр билан қарайди. У мазкур мактабга 1979 йилда химия-биология фани ўқитувчиси бўлиб ишга келганди.

1988 йилнинг апрелида Кўпал Отабоев мактабга директор этиб тайинланди. Ўша йилнинг сентябрь ойида эса мактабнинг ҳозирги янги биноси ишга туширилди. Бунда, албатта, ёш директор бошқош бўлди.

Директор янги мактабда ишни теварак-атрофни ободонлаштиришдан бошлади. «Бу Кўпалбай зап боғбон чиқиб қолди. Эккан кўчатлари тутгай илоё. Ҳали узумлари тутмасдан ишком тузатгани қизиқ бўлди-ку!» деб киноя қилувчилар ҳам топилди. Аммо ихлос билан қилинган меҳнат сал фурсатда ўз самарасини берди. Мактаб атрофида 0,4 гектарлик меваларр барпо бўлди.

Бугунги кунда мактаб боғида 150 туп шафтоли, 100 туп узум, 120 туп олма ва бошқа мевали дарахтлар ўстирилмоқда. Шунингдек, боғда 400 тупга яқин анвойи гуллар ҳам бор. 100 квадрат метр жойга эса доривор ўсимлиги экилган.

Мактаб жамоасининг хизматлари тўфайли боғдан келадиган даромад билим масканининг кам-кўстига яраб турибди. Мактабни безаш ва таъмирлаш ишларига асосан ана шу маблағ сарфланмоқда.

Муаллимлар тарбиялаётган ниҳоллар фақат боғдаги меваларгина эмас. Ўтган ўқув йилида мактабда 449 нафар бола таълим олди. Шундан 55 нафари мактабни битказди. Қизиғи шундаки, мактаб 1991 йилдан мева бера бошлаган бўлса, мактабни ўша йили олтин медалга битказган 5 нафар ўқувчидан 4 нафари шу мактабга бу йил ўқитувчи бўлиб ишга келди. Устозни боғбонга қиёслайдиган бўлсак, уларнинг меҳнати ҳам ўз ҳосилини бера бошлади.

Ишбилармон директор Кўпал Отабоев нафақат боғ, балки аҳил педагогик жамоа ҳам ярата олди. Улар бугунги кунда мактабнинг обрўйини янада оширишга интилмоқдалар.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ,
«Хоразм зиёкори» газетаси муҳаррири.

ЎРГАНГАННИНГ ЎРНИ БЎЛАК

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалар, ижобий муносабатлар кўпаймоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлигининг ҳунар-техника таълими бош бошқармаси ҳам бир қатор чет мамлакатлардаги ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга улгурди. Айниқса, олмониялик касбдошлари билан яхшигина тил топишиб, борди-келди қилиб юришибди. Куни кеча пойтахтимиздаги 4-ҳунар-техника билим юртида ўтказилган ўн кунлик ўқув машғулотлари ҳам худди шу ажойиб тотувликнинг самарасидир. Бу ўқув машғулотини Олмониянинг ҳунар таълими бўйича Халқаро фонди ўтказди. Ҳа, уч йилдирки, бу нуфузли ташкилот ўзбекистонлик ҳунар-техника таълими ходимлари билан фаол машғулотлар олиб бормоқда. Ўз навбатида юртимизнинг ҳунар-техника таълими бўйича кўпгина мутахассислари ҳам Олмонияга ташриф буюриб, ўз малакаларини ошириб келишяпти. Жумладан, яқиндагина 40 нафар ходим Олмониянинг Манхайм шаҳрида бўлиб қайтишди.

Хуш, бундай машғулоту борди-келдилардан мақсад нима? У қандай натижалар бермоқда?

— Мақсадлар жуда улуғ, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳунар-техника таълими бош бошқармасининг бошлиғи У.Раупов. — Эски тартиблар бугуннинг талабларига жавоб бермай қолди. Энди жаҳонга юзланиш пайтлари етди. Дунёнинг энг илғор таълим усулларини ўзлаштириб, ўзимизнинг миллий қадриятларга маслаштириб фойдаланиш бугунги талабчан даврнинг энг долзарб вазифасидир.

Ҳа, ўрганганнинг ўрни бўлак. У ҳеч қачон бизга зарар етказмайди. Ҳозирги кунда республикамиздаги кўпгина ҳунар-техника билим юртларида чет элликлар тажрибалари қўлланилиб, қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Бироқ, бундай ҳайрли тажриба алмашувлардан, ўқув машғулотлардан маблағни аямаслик керак. Насиб бўлса, бугун сарфланган бир сўм келажакда минг-минг сўмлик фойда келтиради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Олмониянинг ҳунар таълими бўйича халқаро ҳамкорлик фонди юртимизда ўтказаётган ўқув машғулотлари учун биздан ҳеч нарса умидвор эмас. Бу ҳам қандайдир жиҳатлари билан ўрганишга арзийдиган ажойиб олижаноблик.

Л.БЎРИЕВ.

Фармон ва ижро

«ГОҲ САЙР ҲАМ ДАРКОР ЭКАН»

Иқтисодиёт ва маънавият — тараққиётнинг икки қаноти. Иқтисодиёти ёмон халқнинг маърифий ва маънавий дунёқараши ҳам ривожланмайди. Ёки аксинча, маънавияти ёмон халқ иқтисодий соҳада кўп ютуқларга эриша олмайди: унинг умумий турмуш даражаси паст бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб бу икки масалага жиддий эътибор бериб келиняпти.

Иқтисодиёт масаласида-ку кўп ишлар қилинди. Бу борада қисқа даврда мутлақо мустақил йўлга ўтилгани ниҳоятда буюк ишдир. Аммо маънавият масаласи ҳам оқсаб қолгани йўқ. Юртбошимизнинг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарлари ва ходимлари билан учрашуви, шу соҳада чиқарган алоҳида Фармонлари фикримизга ёрқин далилдир. Ҳолбуки, маънавият ҳақида қайғуриш, амалий ишлар қилиш ҳазрати инсон, унинг келажаги, камолоти, руҳияти борасида чин дилдан қайғуриш демакдир.

Маънавият ва маърифат соҳасида Фармон ҳам, юртбошимиз телевидение орқали айтган доно фикрлар — дастур ҳам бор. Энди кишиларимизнинг маънавий камолоти йўлидаги амалий ишлар даражасини янги поғоналарга кўтариш вақти етди. Шу боис Фарғона вилоятида бу борада ҳозиржавоблик билан долзарб иш бошланди.

Сўх тумани Фарғона вилоятида чекка, тоғли ҳудуд ҳисобланади. Бу ерлик ўқувчилар, айниқса, юқори синфда таҳсил олаётган қизлар кўпинча катта шаҳарларга боролмайдилар. Ана шуни ҳисобга олиб вилоят ҳокими Мирзажон Исломовнинг ташаббуси билан 350 нафар сўхлик юқори синф ўқувчиларини гуруҳларга бўлиб Қўқонди латиф, сўлим маскан — Фарғона шаҳри ҳамда пойтахтимиз — Тошкенти азимга саёҳатга олиб бориш режалаштирилди. Яқинда режага биноан 150 нафар ўқувчи қиз узларининг мураббийлари билан меҳмоннавоз Қўқонга ташриф буюришди.

Қўқон аввал-азалдан олиму фозиллари, шоиру ёзувчилари, санъаткору зукко муаллимлари, умуман, машҳур кишилари кўп шаҳар. Айниқса, унинг тарихий обидалари ҳанузгача кўз қорачиғидек сақланади, замонавий меъморчилиги ҳам ривожланган. Бу ерда мустақиллигимизнинг беш йиллик неъматлари ҳар қадамда кўзга ташланади.

Ўқувчилар шу куни Худоёрхон аркида, истироҳат боғида, адабиёт музейида, Ҳамза музейи театрида, қатор мактабларда бўлишди. Даврани кенг олиб, шўх-шаён мусиқалар остида ўйин-кулги қилишди. Шаҳар халқ таълими бўлимида халқ ўқитувчиси, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркинжон Эргашев бошчилигидаги мезбонларнинг сўхлик ўқувчилар билан бир пиёла чой устидаги суҳбат мазмунли ва хушчақчақ ўтди.

Ўқувчи қизлар 3-мактабга борганларида Американинг Сан-Франциско штатидан келган меҳмон, Тинчлик корпуси ташкилоти вакили Жеф Шефринг иқтисодиёт борасида қисқача, қизиқарли маъруза қилиб берди. 4-мактабда эса рус тилида ўқийдиган ўғил-қизлар бинойидек соф ўзбекча концерт дастурларини намойиш қилишди.

Сўҳда асосан тожик миллати вакиллари яшайди ва дарслар ҳам шу миллат тилида олиб борилади. Бу томондан олиб қараганда, учрашувлар жараёнида ўқувчилар ўртасида халқлар дўстлиги ришталари ҳам боғланди, дейиш мумкин.

Яна 150 нафардан иборат сўхлик юқори синф ўқувчи қизлари Фарғона шаҳрида ҳам бўлишиб, диққатга сазовор жойларни кўрдилар, фикрларини янгиладилар. Шу кунларда сўхлик 50 нафар аёлчи, фаол ўқувчи Тошкенти азимга меҳмон бўлиш учун сафарга отланади.

Осмоннинг бир парчаси ҳам осмондир. Сўхлик қизлар икки шаҳарда бўлганларида, шарқона цивилизациянинг бир кўриниши ҳақида янгича тасаввурга эга бўлиб қайтдилар. Улар энди кўрган-билганлари ҳақида қишлоқдошларига сўзлаб бериши, янгича фикр юритиши, тафаккур қилиши турган гап.

Дарвоқе, сўхликлар Қўқонга келишган бўлса, энди яқинда қўқонлик бир гуруҳ юқори синф йигит-қизлари Сўхни томоша қилиш, билим ва қуникмаларини алмашиш учун сафарга чиқадилар.

Фарғонада умуман фаол кишилар ҳам, амалга оширилаётган фаол ишлар ҳам кўп. Мисол учун, Президентимизнинг маънавият ва маърифат соҳасида Фармон чиқарганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қўқонлик маорифчилар эса фармондаги вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирданоқ бу борада каттагина дастурлар тузиб қўйишибди. Мисол учун, Қўқон халқ таълими бўлими томонидан мазкур Фармоннинг ижро дебочасида сифатида бир гуруҳ фаол ўқувчи ва ўқитувчиларнинг Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштириляпти. Яъни юқори синф йигит-қизлари, муаллимлар сафар давомида Фарғона водийси обидаларини томоша қиладилар, «УзДЭУавто» автомобиль ишлаб чиқариш қўшма корхонасида, Қувасойдаги «Кварц» заводида, Хоразмдаги «Мерседес» автозаводида, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларида бўлишади. Улар сафар чоғида мустақиллик даврида эришилган ютуқлар билан танишадилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

OLTIN MEROS

танловига

ЧЎЛ ҚЎШИҒИ

Куй ёйилар Қашқадарё,
Этагига, ёр-ёр.
Бизнинг қизлар етади,
Тилагига, ёр-ёр.

Сувни сулув кўрсатган,
Тоши бўлур, ёр-ёр.
Вафолилар қизларнинг,
Боши бўлур, ёр-ёр.

Дока паранг кўйлагинг,
Кийсанг бўлур, ёр-ёр.
Чин меҳнаткаш йигитни,
Севсанг бўлур, ёр-ёр.

Йўлни билган одамлар,
Адашмайди, ёр-ёр.
Яхши қизлар ёмонга,
Ёндошмайди, ёр-ёр.

Нима кийсанг ярашур,
Бўйгинангга, ёр-ёр.
Қўшиқ айтай деб келдим,
Тўйгинангга, ёр-ёр.

Қўшиқ айтиб тўйингда,
Тўйолмадим, ёр-ёр.
Қувончимдан ўзимни,
Тиёлмадим, ёр-ёр.

Чўл қўйнида ўсаман,
Ҳормай-толмай, ёр-ёр.
Ҳосилга тер тўкаман,
Ортда қолмай, ёр-ёр.

Тинч яшашдир орзумиз,
Шу замонда, ёр-ёр.
Ортаверсин шонимиз,
Ҳур Ватанда, ёр-ёр.

Ёзиб олувчи:
Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Баҳористон тумани халқ таълими бўлими ходими.

ҚИЗ ВА ЙИГИТ АЙТИШУВИ

ЙИГИТ: Қора сочларингга қарадим, қолдим,
Уйингга боринча изингнан бордим.
Сани жавобингни анангнан олдим,
Ананга дармоним, ўзинга жоним.

ҚИЗ: Боғингга гирибсан, гуллар термака,
Гулларингнан териб, биза бермака.
Отамни-анамни арка қизиман,
Юрак борми биздан жавоб олмака.

ЙИГИТ: Арва ҳайдасам алтахтаси қораман,
Шойи гўйнак гийган қизни оламан.
Шойи гўйнак гийган қизлар бормаса,
Янгасина пора бериб оламан.

ҚИЗ: Оёгимда яхши адик қодоғли,
Дейма бола, ман бирава одоғли.
Кундуз борин дасам изим сўроғли,
Оқшом борин дасам ойлар қоронги.

ЙИГИТ: Учака чиқвадим, ойни гўрмака,
Ойни баҳонасинда, ёрни гўрмака.
Ёр дурибди эшигини алдинда,
Биза деган шойи рўмол алинда.

ҚИЗ: Сува чиқдим, қумғонимни шон атиб,
Салом бердим, қора толни пон (пана) атиб.
Олмий гетдинг саломимни хор атиб,
Юрибман-ку изларима зор атиб.

ЙИГИТ: Шойи гўйнак ҳилпиллийди юрганда,
Юрагимни ўт олади гўрганда.
Иккимизам бир элангни боласи,
На бўлади тўйимизни атганда.

КЕЛИН САЛОМ

Одамзодни яратган, Одам Атога бер, салом.
Одамзодни яратган, Момо Ҳавога бер салом.

Тўйингда одам кўп, аъло баҳонг шу,
Кенг бўлсанг — кенг, тор бўлсанг — тор, жаҳон шу,
Одам қадрин баланд қилган замон шу.
Шундай яхши замонага бер, эгилиб салом.

Ҳаёт бўлса, тўйингга файз қўшарди,
Минг ўргилиб, минг бор дуо қилишарди,
Ўтганларнинг руҳларини ёд этиб,
Ўтганларнинг руҳларини шод этиб,
Бер, эгилиб-эгилиб салом.

Элда катта обруси бор, билгайсан,
Таъзим билан тонглар салом бергайсан,
Бир умрга ҳурмат-иззат қилгайсан,
Қайнотангга бер, эгилиб-эгилиб салом.

Пешонангдан бир упай, деб шайланган,
Армонлари бугун бахтга айланган,
Бир койиса, минг айланиб, ўргилган
Қайнонангга бер, эгилиб-эгилиб салом.

Насиб қилса, давру даврон сурарсан,
Қуша-қуша фарзандларни кўрарсан,
Бир кун (келиб) сен ҳам қайнона бўларсан,
Қайнонанга қайтадан бер, эгилиб салом.

Фаришгадай манглайида ойи бор,
Қайга борса, кўрпачада жойи бор,
Холаларингга бер, эгилиб салом.

Дастурхони чўракли,
Ҳаммаларга керакли,
Аммаларингга бер, эгилиб салом.

Тўйга келиб, ҳорманг, деган,
Бизгаям хизмат борми, деган,
Дойиларингга (тоға) бер, эгилиб салом.

Йигитларнинг саралари, айвонингни ўралари,
Қайин оғаларингга бер, эгилиб салом.

Ёқалари садафли (тугмали), сўзлари бор адабли,
Овсинларингга бер, эгилиб салом.

Йигитларнинг сардори, келинбиканинг ёри,
Куёвболага бер, эгилиб-эгилиб салом.

Юзлари бор — ойдай, қошлари бор — ёйдай,
Бикачларингга (қайин эгачи) бер, эгилиб салом.

Ўрдаги бор, ғозлар билан, суҳбати бор қизлар билан,
Қайин укаларингга бер, эгилиб салом.

Дарвозадан қараган, тўй қачон деб сўраган,
Қўшниларга бер, эгилиб салом.

Лачагини хушрўй қилиб ураган,
Қайси қиз яхшикан (экан), деб қараган,
Қўшни момоларга бер, эгилиб салом.

Очиқда усган бўёндай, югуриб юрган кўёндай,
Тўйингга келган ўғил-қизларга бер, эгилиб салом.

Самоварни мўрисини ёндирган,
Меҳмонларни чойлар бериб тўйдирган,
Самоварчи уканггаям бер, эгилиб салом.

Оқ фартуги белинда,
Капгир уйнар қўлинда
Ошпазларгаям бер, эгилиб салом.

Бугун сенга ҳавас билан қараган,
Тўйингга йиғилиб, бахтинг тилаган,
Халойиққа бер, эгилиб-эгилиб салом.

Илк бор қутлуғ остонага, қадамингни қўярсан,
Меҳмон эмас, бир умрга мезбонаси бўларсан,
Келин бўлган уйинггаям бер, эгилиб-эгилиб салом.

Ёзиб олувчи: Саодат АБДУРАЙИМОВА, Элликқалъа туманидаги М.Шайхзода номидаги мактаб ўқитувчиси.

ҚУШИҚ

Тераклар баргидай титрайди жоним
Ариқлар сувидай чайқалди қоним
Жигитлар ичида суйган чинорим
Сов бориб саломат келсин худойим.

Кетаман деб менинг жоним оласан
Бу кетгандан қачон қайтиб келасан
Жанг майдонинг тамом бўлса, жонажон
Кун неча вақт ўтса қайтиб келасан.

Жамҳурлар синглиси бахти қароман
Сенсиз бу ўлкада қандай тураман.
Жоним кетсанг ул юртингга олиб кет
Қайга борсанг менам била бораман.

Тераклар баргидай титрайди жоним
Ариқлар сувидай чайқалди қоним.
Жигитлар ичида суйган чинорим
Сов бориб саломат келсин худойим.

Айтувчи: Мусаллам момо УЛАШОВА,
ёзиб олувчи: Омон ҲАЙИТОВ,
Қўшработ туманидаги 21-ўрта мактаб, Жонбулоқ қишлоғи.

Ҳуллас...

ҚИРОЛ ВА ҚИРОЛЗОДАЛАР

Футбол қироли Пеле бир неча кун бурун эгизак фарзандли бўлди. Жошуа ва Селеста дея ном қўйишди уларга. Чақалоқлар бор-йўғи 1,3 килограмм вазнда туғилишган бўлса-да, ўзларини яхши ҳис қилишяпти. Маълумотларга қараганда, онанинг тўлғоғи жуда оғир кечган. Болалар жарроҳлик йўли билан дунё юзини кўришган. Хотининг қийналганини эшитиб, Пеле худди ёш болалардай йиғлади, дейишмоқда даракчилар.

САВОЛИ ҚОЛДИ

Яқинда қўшиқчилар қўшиқчиси Майкл Жексон Москвада «шов-шув концерт» («шоу-концерт») берди. Концертнинг бутун ола-ғовури ўз йўлига, бироқ Майклбой жўнаб кетгандан сўнг, унинг ортидан ҳар хил саволлару миш-мишлар Москва осмонида тўпланиб қолди. Эмишки, концерт бергани ҳақиқий Жексон эмас, балки унга бир томчи сувдай ўхшаш «эгизаги» ташриф буюрган. Бунга саноқсиз сабаблар ҳам рўкач қилиняпти. Аввало, қўшиқчи самолётдан тушиши биланоқ, олдиндан тайёрлаб қўйилган уловга эмас, дуч келган биринчи машинага ўтирган. Москвада тўрт кун давомида ҳамиша бир хил кийимда юрган. Йилига 90 миллион доллар фойда кўрувчи артистнинг бундай «тор ғилоф»да юриши мантиққа тўғри келмайди, дейишмоқда синчковлар. Бу гапларнинг рост-ёлғонлиги эса ёлғиз Худога аён. Биз ҳозирча миш-мишлардан парҳез қилиб турамиз.

ФЕРМАДАГИ МУҲОРАБА

Свердловск вилоятидаги паррандачилик фермаларидан бирида оммавий «товуқлар жанги» содир бўлди. Икки томонлама муҳорабада тахминларга қараганда юз мингга яқин «жангчи» қатнашган. Ҳисоб-китобга кўра 36-38 минг парранда ушбу олишув қурбонига айланди. Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-емишнинг танқислиги жангнинг асосий сабабидир. Алалхусус, яшаш учун кураш паррандаю даррандаларда ҳам бор. Ахир, улар ҳам жонзот-да.

ҲАЗМИ ТАОМ ТАОМИЛИ

Бир бурда нонни олиб, одатдагидай чайнаб, бир пиёла чой билан ичиб юборинг. Яна шунча нон олингда, 30 марта чайнаб кейин ютинг. Қайси мазали юқади? Билгичларнинг билдиришича, кейингиси. Яна, уларнинг ўқитишича, миядаги маза сезиш ҳужайралари овқат ея бошагандан 20 дақиқа ўтгач ишга тушаркан. Агар шунча дақиқа чайналсангиз, емишнинг жаннатий мазасини туярмишсиз. Афсуски, бундай имконият инсонда йўқ. Шунинг учун унга овқатларнинг жаннатий мазаси эмас, заминий мазаси ҳам ҳозирча булаверади. У ёғига худо подшо!

ана шунақа гаплар.

ТАБИАТНИНГ ҲАМ ЭГАСИ БОР

Ўтмиш билгичларидан бири «Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб тура олмаймиз, ундан ундириб олиш бизнинг вазифамиздир» дея дарж этиб кетган экан. Шундан сўнг табиатдан фақат ундириш авж олиб кетди-ю, алал-оқибат унинг ўзи инъом-эҳсонга муҳтож бўлиб қолди. «Экосан» халқаро жамғармаси ҳам бу кун табиатнинг раҳнамоси сифатида майдонга чиққанлар сирасига киради. Яқинда жамғарма яна бир хайрли ишга қўл урди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу «2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқиб, «Қишлоқ, экология, саломатлик» мавзуида халқаро миқёсдаги давра суҳбатини ташкил этди. Унда Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Мелиорация ва сув хўжалиги, Халқ таълими вазирликлари, бошқа ташкилот ва муассаса вакиллари иштирок этишди. Шу билан бирга суҳбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Жаҳон банки масъул шахслари ҳам қатнашдилар. Давра суҳбатида бир тўхтамга келинганидек, қишлоқ табиатини муҳофаза этиш бугунги Ўзбекистон учун муҳим муаммолардан биридир.

Машваратда халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов қатнашди ва чиқиш қилди. Жумладан, қуйидагиларни қайд этиб ўтди:

— Халқ таълими вазирлиги ўқувчи ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни яхшилаш мақсадида «Узлуксиз экологик таълим концепцияси»ни яратди. «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилди. Экология бўйича дастурлар, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Умуман, экологик тарбияни мактабдан бошлаш ҳар қандай дастурлару ҳаракатларнинг дебочасидир. Бизнинг фаолиятимиз йўналиши худди шу нарсага қаратилган.

Давра суҳбати сўнггида «Қишлоқ, экология, саломатлик» Дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Асқар ШОКИР.

Спорт

БИРИНЧИ ЎРИН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ФУТБОЛЧИЛАРИДА!

Газетамизнинг ўтган сонида республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқувчи-ёшлар футбол мусобақаси бошлангани ҳамда дастлабки учрашув натижалари ҳақида хабар қилган эдик.

Пойтахтимизнинг «Динамо» ҳамда Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти уйинғоҳида саккиз кун давомида икки гуруҳга бўлинган 14 команда (мусобақада қатнашмаётган Навоий вилояти ўрнида норасмий равишда Тошкент-2 командаси) ўртасида қизғин курашлар давом этди.

Биринчи гуруҳда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари, иккинчи гуруҳда Хоразм, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Андижон, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент—2 командалари тўп суришди.

Ёш футболчилар беллашуви натижаларига назар ташласак, биринчи гуруҳда Тошкент шаҳри командаси, иккинчи гуруҳда Бухоро вилояти командаси майдонда ғалаба иштиёқида астойдил курашганлари гувоҳи бўлдик. Бинобарин, пойтахт спортчилари самарқандликларни 3:0, қашқадарёликларни 6:1, сирдарёликларни 5:0, жиззахликларни 2:0 ҳисобида енгишди.

Марказий Ҳарбий спорт клуби уйингоҳида мусобақа очилиш куни Тошкент вилояти командаси билан бўлган учрашувда томошабинлар олқишига сазовор бўлган Бухоро вилояти командаси фарғоналикларни 1:2, Қорақалпоғистон Республикаси спортчиларини 1:0 ҳисобида енгди, андижонлик футболчилар устидан 5:1ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олди.

Биринчи гуруҳда иштирок этган Сурхондарё вилояти командаси аъзолари ҳам мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганлигини кўрсатди. Улар пойтахт спортчилари билан кескин курашда дуранг (1:1) натижага эришиб, наманганликлар устидан 6:0 ҳисобида, самарқандликлар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, Қашқадарё вилояти командасини 1:2 ҳисобида енгиб, жиззахликлар билан 7 октябрь куни бўлган учрашувда дуранг (2:2) натижага эришишди.

Мусобақанинг дастлабки куни Сирдарё вилояти командасига 0:1 ҳисобида ютказиб қўйган сурхондарёликлар кейинги ўйинларда дадил ҳаракат қилишди.

Иккинчи гуруҳда иштирок этган Фарғона вилояти командасининг ўйинлари ҳам мухлисларни қувонтирди.

Улар дастлабки мусобақада пойтахт вилояти командаси билан дуранг (2:2) натижага эришиб, 3 октябрда Бухоро командаси билан кескин курашда 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Шундан кейин улар Тошкент-2 ва Қорақалпоғистон Республикаси командасини бир хил ҳисобда (3:0) мағлуб этишди. 6 октябрь куни кутилмаганда андижонликларга 1:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Саралаш ўйинларининг сўнгги куни — 7 октябрда эса яна кутаринки руҳда майдонга тушиб, хоразмлик ёш футболчилар дарвозасига жавобсиз 3 та тўп киритишди ва тўртта кучли команда сафидан жой олди.

Қизғин курашларда Жиззах вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам кучли рақиблар билан муносиб кураш олиб боришди ва бешинчи-олтинчи ўринлар учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Финалга Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳри командалари чиқишди.

Ғ. МАННОПОВ.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

Пойтахтимизнинг Тошкент Олий умумқўшин командирлар билим юрти уйингоҳида мазкур мусобақанинг ғолиби аниқланди. Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари ўртасида бўлиб ўтган финал ўйинида Тошкент шаҳри футболчилари 3:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. Ўйиндан сўнг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Финал ўйинлари ҳақидаги тафсилотларни газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

Тақдирлаш ва мусобақанинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов, вазир муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси И. Абдуғаниев ва бошқалар қатнашдилар.

СУРАТЛАРДА: футбол беллашувидан лавҳа.

2-ўрин соҳиблари — Бухоро вилояти командаси.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«Сенинг болалигинг менда бўлсайди»

Китоб — қадимий ва эътиборли шаҳар. Биз шу шаҳарнинг кунчиқар томонида жойлашган «Коинот» номли болалар боғчасига қадам ранжида қилдик. Ҳамма жой саранжом-саришта. Хоналару саройлар шунчалар ораста қилиб, миллий руҳда безатилганки, беихтиёр узбеклигингиздан руҳланиб кетасиз. Беихтиёр «Шаҳри Китоб бу»! деб номланган бурчак ёнида тўхтаб қолдик. Буюк жаҳонгир Темур, улуғ Мирзо Улуғбек, унинг садоқотли шогирди мавлоно Али Қушчи, шеърият оламининг буюк даҳоси Мир Алишер ҳазратлари... Ҳа, бу буюк инсонлар китобликларнинг фахри. Улар ана шу қутлуғ юртга ташриф буюрганлар, яшаганлар ва ижод қилганлар. Боғчадаги «Болаларнинг дил изҳори» бурчаги ҳам кишини ўзига ром этади. Унда жажжи кичкинтойларнинг тилак ва истаклари, орзу-армонлари, раҳматлари-ю қувончлари битилган. Ривоят қилишларича, қадим-қадим замонларда ҳам савдогарлар ва карвонлар бирор нотаниш юртга кириб келишганда, шу юртнинг болаларига разм солишаркан. Улар болалар юзларида ғам-ташвиш бўлмаса, шу юрт тинч, аксинча бўлса, нотинч деб хулоса чиқарарканлар. Шу ўйлар билан «Коинот»даги болаларни кузатаман. Уларнинг юз-кўзларида юрт меҳри балқиб турибди. Улар бекаму-кўст тарбияланаяптилар, ўйнаяптилар, кулаяптилар.

Мусиқа машғулотларини ўтаётган гуруҳ болалари ёнига бордик. Жажжи қизча Маликахон лапар ижро этаяпти: «Ойижон, ойижон! Бошгинам оғрийди-я..,» Эгнида шунчалар чиройли «артистча либос». Ана шундай «артистча либос»дан боғчада 20 жуфт тайёрланганини эшитиб хурсанд бўлдик.

Мана, боғча ҳовлиси. Бу ерда бир гуруҳ болалар «давра» ясашиб, «беш қарсак»ка ўйинга тушишаяпти. Жажжи Баҳодиржон «байт» айтаяпти: «Олмача анорингга балли...» Ўртадаги беқасам тўн кийиб, белига шоҳи белбоғ боғлаб олган бола қўшиғу қарсакка мослаб, «шох ташлаб» ўйнаяпти. Ишонинг, уларга ич-ичимдан ҳавасим келади. Беихтиёр хаёлимда шоирнинг «Сенинг болалигинг менда бўлсайди» деган сатрлари тикланди. Яна бир томонда бир гуруҳ болалар «Оқ теракми, кўк терак» ўйнашаяпти. Ҳуллас, мавжуд 10 та гуруҳнинг, яъни 180 нафар кичкинтойнинг ҳаммаси ўйин-кулгуда...

— Бу йил «Коинот»нинг парвози баланд бўлди, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Китоб тумани халқ таълими бўлимининг мудири Орзимурод ака Маҳманисаев, — жорий йилимизда туманимиз боғчалари ўртасида ўтказилган «Светофор,» «Ижодкор қўллар», «Инглиз тилини ўрганамиз» деб номланган мусобақа ва танловларда «Коинот» фахри биринчи ўринни эгаллади.

Бу йил боғча қисқа муддат ичида сифатли таъмирланибди, гирд атрофи девор панжара билан ўралибди. Эрта баҳордаёқ мавжуд 30 сотих ерга деҳқончилик қилиниб, помидор, пиёз, бақлажон ва бодринг экилибди. «Тер тўкиб сепсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ».

Мана айни кунда майдонда етиштирилган табиат ноз-неъматларидан кераклича олиб ишлатиляпти. Теракни айтмайсиз-ми? Роппа-роса 250 туп терак Китоб осмонига бехато бўй чўзаяпти.

Мудира бизни боғчанинг шарт-шароитлари ва келгуси режалари билан таништирди. Хоналарни бирма-бир кўздан кечирдик. Айниқса, Лайло Носирова, Зоя Салаева, Гулбаҳор Халилова, Рисолат Ҳамидова каби тарбиячилар ва боғчанинг инглиз тили муаллимаси Саодатхон Рауповалар томонидан амалга оширилаётган янгича ишлардан мамнун бўлдик.

Тан олиш керакки, «Коинот»да амалга оширилаётган ҳар бир ибратли тадбир замирида тиниб-тинчимас мудира Мунаввар Турсунованинг катта ташаббуси ва меҳнати бор.

Биз «Коинот»даги тарбиявий ишлардан хурсанд бўлдик. Дилимизда фақат битта тилак тўғилди: «Илоё, ҳамма боғчаларимиз Китобнинг «Коинот»идай бўлсин!»

Абдували ОБИДДИНОВ.

Қибрай туманидаги Чўлпон номли 37-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси Назира БАЙБАЕВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Маърифат» газетаси жамоаси шоир Шавкат РАҲМОН вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.